

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ – ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
БУХОРО ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-
ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ**

Ш.Х.Самиева, Д.Х.Барнаева , М.М.Рахимова

КАШТАЧИЛИК ВА БАДИИЙ ДИД



(Касб-ҳунар коллежлари учун услубий қўлланма)

БУХОРО “ИСТЕЪДОД” – 2014

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ – ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
БУХОРО ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС,
КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ**

Ш.Х.Самиева, Д.Ҳ.Барнаева , М.М.Рахимова.

Каштачилик ва бадий дид
(Касб-ҳунар коллежлари учун услубий қўлланма)

Муаллифлар:

Ш.Х.Самиева - Бухоро муҳандислик – технология институти
«ЕСТ ва Ж» кафедраси ассистенти
Д.Ҳ.Барнаева - Бухоро санъат коллежи махсус фан ўқитувчиси
М.М.Рахимова - Бухоро санъат коллежи “Дастгоҳли рангтасвир”
йўналиши 2 – босқич талабаси

Тақризчилар:

З.Ш.Тўхтаева - Бухоро муҳандислик – технология институти
«ЕСТ ва Ж» кафедраси мудири, доцент, п.ф.н.
Н.И.Наврўзов - Бухоро санъат коллежи “Санъат” кафедраси мудири

Ушбу услубий қўлланма касб – ҳунар коллежларининг «Амалий санъат» йўналишида таҳсил оладиган талабаларга мўлжалланган бўлиб, ундан шу соҳа бўйича изланувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Услубий қўлланма Бухоро санъат коллежининг илмий педагогик кенгашида кўриб чиқилди ва маъқулланди. Баённома № “1 ” 28.07.2014 й.

Бухоро санъат коллежи № 1 – сонли илмий педагогик кенгашидан кўчирма

ИПК қарор қилади:

1. Бухоро муҳандислик – технология институти “ЕСТ ва Ж” кафедраси ассистенти Ш.Х.Самиева, Бухоро санъат коллежи ўқитувчиси Д.Ҳ.Барнаева ҳамда Бухоро санъат коллежининг “Дастгоҳли рангтасвир” йўналиши 2 – босқич талабаси М.М.Рахимовалар тайёрланган “Каштачилик ва бадий дид” номли услубий қўлланма “Истеъдод” нашриёти томонидан нашрга чоп этишга рухсат этилсин.



Р.Б.Гафуров
Ф.К.Курбонова

КИРИШ

Кийим - кечаклар ўзбек халқи тарихи билан узвий боғлиқ бўлиб, у маданий-моддий ёдгорликлар ичида халқнинг миллий ўзига хослигини акс эттириб этник белгилари билан ажралиб туради. Кийимларда бирор халқнинг тарихига бориб тақаладиган анъаналар ижтимоий муносабатлар, маърифий ва эстетик шаклларнинг айрим унсурлари ифодаланади. Жамият турмуши, иқтисодиёти ва сиёсатида ўзгаришлар бўлиб туриши билан бир вақтда кийим шакллари ҳам ўзгариб боради. Унда халқнинг моддий ахлоқи, кишиларнинг диди, гўзаллик тўғрисидаги идеаллари, хўжалик юритишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда оилавий турмушнинг баъзи томонлари ҳам кўзга яққол ташланади.

Ўзбек халқининг кийим кечаклари жуда хилма-хил, ранг баранг ва жозибалидир. Каштачилик бу кийимларни янада жозибали кўрсатади. Ўзбек миллий каштачилиги амалий санъатнинг энг қадимий турларидан бўлиб, у халқнинг турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган. Каштачилик санъати нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам шуҳрат қозонган. Ўзбек халқ усталари қўллари билан тикилган кирпич, сўзана, зардевор, гулкўрпа, чойшаб кабилар Германияда, Белгияда, А.Қ.Ш., Хиндистон, Афғонистон каби хорижий мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонган. Каштачилик санъати намуналари мамлакатимизда фақат хонадонларда эмас, балки музейларда ҳам доимий кўргазмага айланиб қолган. Ҳозиргача бундай буюмлар ўзига хос гўзаллиги, нафис безакларининг ранг-баранглиги билан инсонларни ҳайратга солиб келмоқда.

Бадиий каштачилик узок тарихга эга. Буни археологик топилмалар ва ёзма манбалар ҳам исботлаб бермоқда. Каштачилик санъатида ҳар бир миллатнинг ўзига хос энг кўп қўллайдиган нақшлари акс этади. Ўзбек кашталарида ўсимликсимон, геометрик ҳамда гул нақшлари кўп бўлса, қозоқ ва қирғиз каштачилигида эса кўпроқ ҳайвонлар, шох ва туёқларни эслатувчи элементлар тасвирланади. Кашта ўзбек хонадонининг асосий безакларидан биридир. Айниқса байрам, тўй, маросим пайтларида улар ўзбек хонадонига алоҳида кўрк бағишлайди.

Каштачилик санъатига аёллар уларнинг келажаги, фарзандлари ва ўз бахт-саодати ҳақида орзу-умидларини, табиатга бўлган муҳаббатларини ва гўзалликка интилишларини сингдирадилар. Бундай каштанинг ноёб санъат сифатида яратилиши кишиларнинг баҳри дилини очади, инсонпарварлик ва табиатни севиш, руҳий озуқа олишдек эстетик ҳиссиётни уйғотади. Ўзбек каштачиларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири кишини ўзига жалб этиб, ўзида бир хил элементларнинг учрамаслиги ва механик равишда қайтарилмаслиги ҳамдир.

Ўзбек каштачилик санъати узок тарихга эга бўлган амалий санъат тури сифатида тикувчи диди, нақшлар композицияси, гуллар чизмаси уйғунлигини ифодалар экан, замонавий тикувчилик санъатида унинг элементларидан унумли

фойдаланиш либослар бадий жилосини оширишда ва бойитишда муҳим омил бўлиб хизмат килади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
КАШТАЧИЛИК САНЪАТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ	5
КАШТАЧИЛИКДА БЕЗАК ТУРЛАРИ.....	7
КАШТА ТИКИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	10
КАШТА ТИКИШ АСБОБЛАРИ ВА МОСЛАМАЛАРИ.....	13
КАШТА ТИКИШ ЧАМБАРАКЛАРИ.....	14
БАДИЙ КАШТАЧИЛИК ВА УНИНГ ТУРЛАРИ.....	15
КАШТА ТИКИШДА РАНГЛАР ВА ГАЗЛАМАЛАР ТАНЛАШ.....	18
МУРАККАБ КАШТА ТИКИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	19
КАШТАЧИЛИКДА ИШЛАТИЛАДИГАН НАҚШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЧИЗИШ.....	24
ЗАМОНАВИЙ КАШТАЧИЛИК ТУРЛАРИ.....	27
КАШТАЧИЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ.....	29
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	31
И ЛОВАЛАР.....	32

КАШТАЧИЛИК САНЪАТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ

Кашта тикиш касби амалий санъатнинг қадимий соҳаларидан бири бўлиб келган. Археологик топилмалар каштачиликнинг деярли барча халқларда мавжудлигини, иқлим, табиий шароит, ҳар бир халқнинг маданияти, санъати, касб - ҳунар турлари билан муҳит билан боғлиқ ҳолда топганини кўрсатади. Каштачиликни пайдо бўлиши теридан қилинган кийимларда боғлам ва чокларни юзага келиши билан боғлиқ.

Даврлар мобайнида тошлардан, суяклардан тайёрланган бигизлар ёрдамида тўқиш, шунингдек мато тўқиш, бўяш ва бошқа ишлар амалга оширилган. Каштачилик тарақиётини Қадимги Осиё, Европа, Америка маданий ёдгорликларида, тарихий манбаълардаги кашталар тасвирида, шунингдек, сақланиб қолган каштачилик намуналардан кузатиш мумкин. Каштачилик маҳсулотининг энг қадимий нусхалари сақланмаган. Қадимий манбаларда кўрсатилганидек тарихий кашталарда жанг лавҳалари акс эттирган. XIX асрнинг иккинчи ярмида кашта тикиш машинаси ихтиро бўлгандан сўнг, саноати ривожланган мамлакатларда каштачилик корхоналари вужудга кела бошлади ва анъанавий каштачилик бир оз бўлсада инқирозга учради.



Ўзбек каштачилиги қўшни халқлар каштачилиги таъсирида бойиди ва ривожланди. Ўзбек кашталарига назар солсак, унда ҳинд, хитой, рус, афгон, қозок, қирғиз, тожик каштачиликларининг усул ва услубларини учратамиз. Бу санъатда ҳар бир миллатнинг ўзига хос энг кўп қўллайдиган нақшлари бўлади.

Чунончи ўзбек кашталарида ўсимликсимон, геометрик ҳамда гул нақшлари кўп бўлса, рус каштачилигида геометрик, ўсимликсимон шакллар, гуллар, қуш ва мевалар кўп тасвирланади. Қозок ва қирғиз каштачилигида эса кўпроқ ҳайвонлар, шох ва туёкларни эслатувчи элементлар тасвирланади. Қадимий анъаналарга кўра, ўзбек қизлари бўлажак келинчаклар сепларини, ҳар хил каштачилик буюмларини ўзлари тайёрлашлари лозим эди. Кашталар қанчалик нозик, чиройли бўлса, қайлиқ шунчалик юқори баҳоланар эди. Қизлар 7 - 9 ёшидан бошлаб кашта тикишга ўргатиларди. Улар уч, тўрт йилдан кейин мустакил кашта тика бошлайдилар. Етишиб чиққан каштачилар ўзининг санъати ва табиатига кўра гўзаллик ҳақидаги орзуларини ифодалашга ҳаракат қилганлар. Каштачиликнинг муҳим турларидан бири зардўзликдир.

Зардўзлик — зар ип билан кашта тикиш касби бўлиб, Ўзбекистонда, айниқса Бухорода кенг тарқалган. Зардўзи усулида тайёрланган кашталарда олтин, қумуш рангдаги ипак ҳамда сунъий ипак ва толалардан фойдаланилади.

Каштачиликнинг махсус турларидан бири — аппликациядир.

Аппликация — лотинча ёпиштириш деган маънони билдириб, газлама, қоғоз ва бошқа материалларга рангбаранг газлама, қоғоз бўлақларини ёпиштириш ёки тикиш йўли билан безаш демакдир. Аппликация каштадўзликнинг махсус тури бўлиб, у ўзига хос технологияга эга. Асосий матога рангдор мато парчасини, чарм ва бошқаларни қадаб, атрофи чокланади. Аппликацияда кўпинча изма чоклардан фойдаланилади. Каштанинг бу тури Ўзбекистонда яхши ривожланмаган. Ҳозирги вақтда кўпинча болалар пальтоларига, кўйлақларига, бош кийимларига ҳар хил қуш, мева, гул ва ҳайвонлар тасвири аппликация усулида чокланади. Айрим ҳолларда аёлларнинг кийимлари шу усулда безатиляпти.

Архитектурада ва бирор буюмларни безашда аппликация усулидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

КАШТАЧИЛИКДА БЕЗАК ТУРЛАРИ

Ўрта Осиёда каштачилик жуда кенг тарқалган бўлиб, оилада ҳар бир аёл кашта тикишни билиши керак бўлган. Шунинг учун ҳар бир оила ўзи учун

кирпеч, сўзана, дорпеч, ойнахалта, чойхалта ва бошкаларни ўзи тайёрлаган. Безак буюмларининг тури жуда кўп масалан, сўзана, кирпич, чойшаб, ойнахалта, чой халта, зардевор, палак, гулкўрпа, дорпеч, букжома, парда, белбоғ, такяпўш (ёстик устига ёпиладиган), дўппи, кўйлак, дастрўмол, ҳамён, жойнамоз, сумка, нимча, махсикавуш, халтача ва бошкалар бадий дид билан безатилган. Ўтмишда бу кашталар оқ ва малла матоларга тикилган. Кейинчалик сатин, шойи бахмалга тикиладиган бўлди. Каштачиликда ишлатиладиган безак буюм турлари билан танишиб чиқамиз.

Дўппи — Ўзбекистонда кенг тарқалган енгил бош кийим. Дўппи кийиш дастлаб Эронда ва туркий халқлар ўртасида, Россияда русм бўлган. Асрлар давомида дўппининг турли хиллари вужудга келган. Бахмалга, сатинга, сидирға шойига ип, ипак ва зар билан дўппи гуллари тикилган. Ўзбекистонда, Тошкент, Чуст, Бухоро, Самарқанд, Бойсун, Шахрисабз дўппилари машхур бўлиб, улар ўзига хосдир. Жумҳуриятимизнинг барча районларида дўппи тикилади. Унинг ироки, чуст дўппи, гилам дўппи, чакма тўр, қизил гул, пилтадўзи, зардўппи, тўлдирма деб номланадиган миллий дўппилар бор. Ҳар бир дўппи яратилиш услубига эга бўлиб, улар бир биридан фарқ қилади. Ўзбекистонда оммавий бош кийими асосан уч хил шаклга эга бўлади, улар «кулоҳ», «арахчин», «тусдўппи».

Кулоҳ — конуссимон бош кийим. Ў асосан дарвешлар қалпоки. Унинг матоҳи ток учбурчак парчаларидан бичилиб ёнламасига тикилади. Кулоҳ (эркаклар бош кийими) ҳозир жуда кам учрайди.

Арахчин — шарсимон дўппи, уни асосан кексалар кияди. Тошкентда шарсимон дўппилар қанда ҳаёл, босма, чакматўр, ироки чок усулларида тикилади.

Тус дўппи — кенг тарқалган ясси юзали дўппи. Кўпинча тўс дўппи чуст дўппи деб юритилади. Тус дўппиларнинг биргина классик вариантынинг ўзида саккизта ювелир чок услуби қўлланилади. Масалан, занжира, тўқри чок, чита, кунгура, еталатма, тароқ, ова, пилдирик. Чуст дўпписининг тепасига кизакдан квадрат шаклида бўртиб тикиб, ярим шар кўринишида бўлади. Тошкент

дўпписи сидирка бахмалдан (гулсиз) тикилган бўлади. Бухоро дўппилари сидирка ёки гулли бахмалдан жиякли қилиб тикилади, жияги турли хил ипаклардан рангдор нақшли йўрма усулида тикилган бўлади.

Жойнамоз — ерга солиб устида намоз ўқийдиган тўшама. Ислом динига эътикод қилувчилар ишлатишади. Ў ибодат вақтида кишини бу дунёдан ажратувчи омил деб тасаввур қилинади. Жойнамоз ҳар хил матодан тайёрланиб, унинг уч томони меҳроб шаклида тикилган бўлади. Ўндан мачит, мадраса ва уйларда фойдаланилади. Ў турли ўлчамда бўлади. Ибодатни қанда қилмаслик учун бошқа нарсалардан фойдаланиш мумкин. Масалан, чопон, кийикча, шолча қабилардан, чунки улар диний нуқтаи назардан пок ҳисобланади. Жойнамоз каштачиликда жуда

Жойнамоз каштачиликда жуда чиройли қилиб безатилган бўлади.

Зардевор — уй жиҳози, у сидирға шойи бахмал, сатинга кашта тикиб безатилган бадиий буюм. Зардевор ўзбек ҳамда тожикларда янги тушган келиннинг уйига, шифтига ёки деворига илиб қўйилади. У зар ип ёки ипак гажимли бўлиб, эни 40—70 см, узунлиги мўлжалланган уйнинг деворига мослаб тикилади.

Палак — деворларга илинадиган энг йирик, энг қиммат безак буюмларидан бири. Палакда осмон ва тўлин ой акс эттирилади. Уни қадимда оқ ёки малла бўзга кашта тикиб тайёрланган. У сўзанадан гулларининг йириклиги, заминига ҳам кашта қопланиши билан фарқ қилади.

Палакни ўртасида йирик ой тасвири қизил қирмизи, пушти ипак билан кашталанади ва атрофига жуда чиройли қилиб ўсимликсимон нақшлар тикилади. Нақшлар ичида кўпинча бодом, қалампир элементлари қўлланилади. Палакда қирқтача ой ҳам тасвирлаш мумкин, шунинг учун ойнанинг сонига қараб олти ойли палак, ўн икки ойли палак, ҳаттоки катта уйлар учун қирк ойли палак тикилгани бизга маълум. Ойлар турли ранглар билан бир неча хил тасвирланган. Машҳур каштадўзлар баъзида ойна ажойиб нақшлар билан беаб, ўз маҳоратларини намоеён этганлар. Агар ойна ичим сидирка рангда ифодаланган бўлса, уни ойнапалак, агар нақшли бўлса гулпалак ва ҳоказо номлар билан

юритилади. Кейинги вақтларда палакни қўл меҳнати кўп бўлгани учун сўзана дейила бошлади. Лекин ҳозир палакни қўлда тикишга катта аҳамият берилмоқда.

Кирпеч — кирпўш, токчага таҳлаб қўйилган кийим - кечак устидан ёки деворни вертикал бўш жойларига илиб, уйни безатиб туриши учун ишлатиладиган бадий буюм. Кирпеч кашталари қўлда ёки машинада тикилади. Кирпеч қўлда илма кашта билан безалади. У кийим - кечакни чангдан сақлайди ва уйни безаб туради. Одатда, палакка ўхшатиб тикилгани кирпечпалак деб юритилади. Бу тури ҳам кенг ишлатилади.

Сўзана — форсча сўзани деб ҳам юритилади, игна билан тикилган деган маънони беради. Сўзана матога кашта тикиб тайёрланган бадий буюм бўлиб, хонани безатиш учун деворга илиб қўйилади. У сатин, бахмал, шойи ва бошка матоларга кашта тикиб тайёрланади. У ўзига хос бадий кўринишга эга. Матонинг рангидан усталаримиз кашта замини сифатида фойдаланадилар. Шунинг учун палакдан фарқ қилади. Сўзана ҳар бир хонадонда бўлган, чунки бир қиз турмушга чиқишидан олдин ўзи учун сўзана тайёрлаган. Сўзана келинларнинг сепи ҳисобланган. Камбағал оилада сўзанани малла, оқ бўздан, бадавлатроқларида эса шойидан, бахмалдан тикишган. Сўзана учун композицион жойлашган ўсимликсимон нақшлардан фойдаланилади. Сўзана ўртасида кўпинча доирасимон гул тикилиб атрофи гулдор ислимий нақшлар билан безатилади. Сўзана тикиш жуда қадимдан ривожланган бўлиб XIX асргача бўлган сўзаналар сақланмаган. Факат XIX асрга оид Самарқанд, Бухоро, Нурота, Фарғона, Ўратепа, Шаҳрисабз, Тошкент, Фарғона ва бошка жойлардаги сўзана турларидан намуналар бор. Санъатнинг бу тури айниқса Ўзбекистон ва Тожикистон территориясида қадимдан кенг тарқалган. Кейинги пайтларда 40 йиллардан бошлаб сўзана машинада тикилиб келмоқда.

Чойшаб — форсча - тожикча рўйжо — тун чодир деган маънони билдиради. Чойшаб асосан тахмонга тутиш, ётганда ёпиниш учун, тўшак устидан тўшалади. Тўшак устидан ёзиладиган чойшаб кам каштали оқ суруп, тахмонга тутилладиган сатин, шойи, бахмал ва бошқалардан тикилади. Ҳозирги

вақтда чойшабдан сўзана каби бадий буюм сифатида ҳам фойдаланиб келинмоқда.

КАШТА ТИКИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Кашта — турли рангдаги ипак, мулина, зар ип билан игна, илмоқли бигизда ҳар хил матога машинада гул тикишдир. Кашта ҳар хил кийимларга, рўзгор буюмларига тикилади. Каштачиликда мато, кигиз, чарм, картон, зиғир, жун, ипак, сунъий иплар, зар иплар, майин сим, хом чармдан тайёрланган тасмалар, мунчок, маржон, металл пулакча, қимматбаҳо табиий ва сунъий тошлар, шишадан тайёрланган мунчоклар ва бошка материаллар ишлатилади. Каштачиликда ўзига хос иш қуроллари мавжуд бўлиб, улар ўзига хос операцияни бажаради. Каштачиликда игналар, илмоқли ва илмоқсиз бигизлар, тўғнағич, ангишвона, қайчи ҳамда чамбараклар ишлатилади.



Чамбарак асосан ёғочдан ясалади, у доира, квадрат, тўғри тўртбурчак шаклида бўлади. Кичик кашталарга доира чамбарак ишлатилади, чунки у қулайдир. Ҳамма кашталарга ҳам чамбарак ишлатилавермайди. Ип ва игна кашта тикиладиган матолар қалинлигига мос қилиб танланади. Каштачиликда ёғоч дастали икки хил, яъни илмоқли ва илмоқсиз бигизлар ишлатилади. Айрим материалларга масалан, чарм ва картонга қийналмасдан тикиш учун илмоқсиз бигизлар ишлатилади. Нақшлар учун ўткир учли 10—12 см узунликдаги

қайчилар ишлатилади. Тикиш қулай бўлиши учун қатим 50—60 см дан узун бўлмаслиги лозим, кашта чамбаракда тикилса ангишвона қўлланилмайди. Нақш нусхаси ҳар хил материалларга ҳар хил йўллар билан туширилади. Масалан, нусха кўчириладиган қоғозлар ёруғлик ёрдамида, нақш чизилган қоғозни материал устидан кўклаб чиқилади кейин бу қоғозлар йиртиб олинади. Каштага иплар рангини мослаб танлаш каштадўздан катта маҳорат ҳамда дид талаб қилади. Тўғри танланган ип каштанинг жозибадор чиқишига сабаб бўлади.

Қўлда кашта тикишнинг икки тури мавжуд: биринчиси матонинг арқок ҳамда ўрим ипларини санаб кашта тикиш, иккинчиси эса матога гул тасвири контурини чизиб, эркин кашта тикиш турлари. Арқок ўрим иплари кесиштириб тикилган полотно ёки бўз шаклида тўқилган матоларга тикилади. Бунинг сабаби кашта тикишда мато ипларини санаб тикишга қулайдир. Санама кашта тури Ўзбекистонда кенг тарқалган. Эркин кашта мато танламайди, туширилган тасвир чизиклари асосида тикилади. Ўзбек каштачилигида йўрма, илма, ироқи, босма, хомдўзи, чамак, чипта хаёл, баҳя чоклар кенг тарқалган. Бадиий кашталарда турли жойдан турли чоклар ишлатилади. Чунончи Шаҳрисабзда йўрма, кандахаёл, ироқи, Тошкентда кўпроқ босма чоки, Бухоро, Нурота, Самарқандда йўрма чоки билан тикилади.

Чамак чоки — кашта тикиш чокларидан бири бўлиб, чапдан ўнгга икки параллел чизик бўйлаб тикилади ва ип ўтказилган игна ўнгдан санчилади. Сўнг юқорига чапга томон қия қилиб чиқарилади ва пастки чизикқа параллел равишда тўғри қадалади ҳамда пасти ҳам қия қилиб чиқарилади. Чамак чоки кўпинча нақшларни рамкага олишда ёки дўппи кизакларига бадиий безак беришда ишлатилади. Қайчини кичик ўткир учлиси ишлатилади. Чамак чоки рус каштадўзлари орасида «козлик» дейилади.

Баҳя чоки — кашта четларини мустаҳкамлашга хизмат қилиб, матога худди кўклагандек, лекин бир текис чок ҳамда масофа ҳисобга олиниб тикилади. Шундан сўнг мато ўгирилиб яна тикиб чиқилади, натижада текис ип чизик ҳосил қилинади. Бу чок жуда қадимдан қўлда, кейинчалик машинада

тикиладиган бўлган. У икки қатор, яъни қаторлар ўзаро тутшиб чиқиши ҳам мумкин.

Курпа чоки—турли йўналишда, яъни чапдан ўнгга, ўнгдан чапга, юқоридан пастга, пастдан юқорига сидирға тикиб ҳосил қилинади. Ёнма - ён тикиладиган чоклар бир текис ёки гул шаклига қараб кичикдан катталашиб, каттадан кичиклашиб боради. Бу чок дурўя, (икки томонлама) санама, пилтадўзи номлар билан юритилади. Дўппидўзликда ва кашталарда жуда кенг фойдаланади.

Чинди хаёл — матога игна қадалиб бир меъёрда тикиб чиқилади, тескари ўгириб яна тикиб чиқилади. Шу тариқа матонинг олди ва орқа томонида бир хилда гул ҳосил қилинади. Бу чок билан икки томони ҳам кўзга ташланадиган буюмлар, яъни сочик, рўмол ва бошқаларни безашда ишлатилади.

Йўрма чоки — йўрмаки, илмоқли бичиқ ёки игна билан матонинг ўнг томонида ҳалқалар занжири ҳосил қилиб тикилиб, бигизга ўтказилган ипак матонинг сиртида чап қўл билан ушлаб турилади. Санчилиб чиққан игна билан эса ҳалқа ҳосил қилинади. Йўрма чоклари билан йирик кашталарнинг ҳошиялари, гул ва баргларни асосий шохга улайдиган банд ва бошқалар қадимдан шундай усулда тикилган. Йўрма чокдан Самарканд, Бухоро, Қашқадарё каштадўзлари кўп фойдаланадилар.

КАШТА ТИКИШ АСБОБЛАРИ ВА МОСЛАМАЛАРИ



Қўлда кашта тикиш учун ўзига хос асбоблар бўлади. Каштачиликда игналар, ангишвона, қайчи, сантиметр лента, илмоқли ва илмоқсиз бигизлар ҳамда чамбарак ишлатилади.

Каштачиликда оқ кул ранг, оч сарик, оч малла рангли сурп, бўз, карбос, шойи, бахмал, чит ёки сатин каби матолар ишлатилади. Бундай матоларда нақшлар чизилганда яхши кўринади, рангли ипларнинг аксарияти унга мос тушади.

Гул, расм, нақшлар чизиш учун чизғичлар, юмшоқ ва қаттиқ қаламлар, дафтар, албом, ўчирғич, миллиметрланган қоғоз, нусха кўчирадиган қоғоз ва шаффоф қоғозлар керак бўлади. Чамбарак газламани таранг тортиб туриш учун

ишлатилади. 20-40 смли иккита гардишдан иборат бўлиб, бир- бирини ичига тушиб туради. Агар кичик гардиш катта гардиш ичига қийин тушадиган бўлса, катта гардишнинг ички томонини жилвир билан тозалаш керак.

У жуда кичик бўлиб, катта гардишдан тушиб кетадиган бўлса атрофига юпқа газлама ўраб қўйиш мумкин.



КАШТА ТИКИШ ЧАМБАРАКЛАРИ

Кашта тикиладиган газламани чамбаракка тортишда унинг кичик гардиши қўйилиб, ипларини қийшайтирмасдан тўғриланади. Катта гардишни унинг устига қўйиб, босиб газлама таранг тортиб қўйилади. Чамбарак тортилаётган юпқа газлама йиртилмаслиги, шунингдек, кашта тикиладиган газлама иш пайтида кир бўлмаслиги учун, унинг устига ўртаси чамбаракнинг диаметридан кичикроқ доира қилиб қўйилган бошқа газлама қўйилади.

Чамбараклар столга макамлаб қўйиш учун винтли бўлиши ҳам мумкин. Кашталарнинг кўп хилларида умуман чамбарак ишлатилмайди. Кашта тикиш учун чўзироқ кўзли калта (1 ва 2 тартибли) игналар танланади. Игнанинг кўзи катта бўлса, бир неча қават ипни ўтказиш осон бўлади. Бундай игналар санама ва оддий чокларни тикишда, ҳамда ипни санақш ва ажратиб олиш учун қулай. Жун ипни игнага ўтказиш қийин бўлиб, бунда ипни ўтказиш учун игналар комплектидаги ип ўтказгичдан фойдаланиш мумкин. Унинг бир қатим ипак ёки ингичка ғалтак ип билан ўтказса ҳам бўлади.

Ипакни икки қават қилиб, ҳосил бўлган петля ичига жун ипи учун киритилади, ипакнинг иккала учини игна кўзидан ўтказиб, жун ип билан бирга тортиб олинади. Зич ва юпқа (маркизет, шойи, батис, шифон) газламага кашта тикишда, кўзи кичик, ингичка игна керак бўлади. Йўғон игна санчилган жойларда тешик олади. Катта кўзда эса ингичка ипни яхши тутиб бўлмайди. Буюмларни бириктириб кўклаш учун 1 ва 3 тартибли игналар ишлатиш қулайроқ.

Каштани чамбараксиз тикишда, бир неча қават газламага игна санчишда, буюмлар четини буклаб тикишда игнани газламадан ўтказиш учун ангишвона керак бўлади. Ангишвона ўнг қўлнинг ўрта бармоғига такилади, уни бармоқнинг йўғонлигига қараб танланади, лекин у бармоқни сиқиб ёки ундан тушиб қоладиган бўлмаслиги керак. Нақшлар учун ўткир учи 10-12 см узунликдаги қайчилар ишлатилади. Ишлаш учун уч хил учи ингичка кичкина қайчи газламадаги ипни қирқиш ва тортиб олиб ташлаш учун; учи айрилган ўртача катталиқдаги қайчи-кашта тикаётганда ип учини қирқиш учун; катта қайчи газлама калава ипларини қирқиш учун. қайчилар яхши чархланган, тиғларининг учи тўла ёпиладиган бўлиши керак.

БАДИЙ КАШТАЧИЛИК ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Кашта — безак санъати тури бўлиб, турли ип ва ипаклар воситасида сидирға мато сатҳига аниқ шаклларни ифодалаган ҳолда игна ёки учи илмоқли бигиз воситасида уста чеварлар томонидан зўр маҳорат билан тикилади. Кашта — бирор мато ёки либос, кийимга турли нақш ёки тасвирлар тушириш усули дэса, бўлади, шунингдек, кашта нафақат кийим ёки либосларда, сидирға матоларда, балки ҳар хил уй-рўзғор буюмларини бежирим қилиб безашда ҳам кенг қўлланилади. Сурхон диёрида каштачилик санъати халқ ҳунармандчилигининг ажралмас қисми сифатида қадимдан маълум. Шуниси ҳам борки, каштачилик даврлар оша сайқал топиб ва мазмунан бойиб, нақш ҳамда тасвирлар шакли кўпайиб, алоҳида яратилган бутун бир санъат асари даражасига кўтарилган. Бошқа халқлар амалий санъати турлари каби каштачилик ҳам такомиллашиб, ҳам замонавийлашиб борган. Илк даврларда

эса кашта фақат ип, яъни пахта, жун, зиғир каби табиий толалардан тикилган. Бугунги кунда каштачиликда сунъий толалардан тайёрланган пишиқ иплар, зар симлар, ҳатто хом чармдан энсиз қилиб тайёрланган тасмалардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Шу тариқа каштачилик кенг қамров касб этиб, мазмунан бойиб, турлари эса кўпайиб бормоқда. Халқ хунармандчилигининг бошқа турлари каби каштачилик ҳам жуда қадим тарихга эга, дея таърифлаб келаяпмиз. Ҳақиқатан ҳам Сурхон каштачилик мактабига хос бўлган буюмлар сони кўп. Турмуш шароитлари ўзгариб, кундалик эҳтиёж ортгани сайин бундай буюм, жиҳозлар сони, уларнинг шакли ҳам ўзгариб борган. Чунки одамлар турмушларини янада чиройлироқ, маданиятлироқ қилишга бир умр интилиб яшаганлар ва яшайдилар. Лекин жуда қадимдан буён хонадонларни безаб келаятган сўзана, зардевор, дўппи, чойхалта, ойнахалта, айрим либослардаги кашталар, масалан, белқарс, рўмолча, рўмол ва бошқалар ҳали хануз ўз ўрни ва шаклини ўзгартирмаган. Шунини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, Сурхон каштачилик мактаби асосан икки хил йўналишда — Бойсун ва Қўнғирот услубида шакллана борган. Бу усуллар бир-биридан кескин фарқ қилмаса-да, лекин нақш турлари, шакллар, ранглар жиҳатидан ўзаро ажралиб туради. Қадимий анъаналарга кўра, кашта билан шуғулланувчи чеварлик ҳар бир оилада ўсаётган қиз бола учун ижобий анъанага айланган. Шунга кўра, бўлажак келин жуда ёшлигиданоқ ўз сепини ўзи тиккан кашталар билан бойитиб ва тўлдириб борган.



Кашталар қанчалик кўп, нафис ва чиройли, дидли бўлса, қайлик-келинчак ҳам ўшанча ҳурматга лойиқ кўрилиб, чеварлиги мақталган. Воҳа каштачилари маҳорат ва санъати айниқса, кашта учун танланган рангларнинг тиниқлиги, тикиш усулининг ўзига хос, пишиқ ҳамда бежиримлигида янада ёрқинроқ намоён бўлади. Сурхон каштачиларига хос хусусиятлар сирасига кашталар асосан тўқ қизил, тўқ сариқ ёки қора сидирға рангли матоларга оддий ип ёки ипак билан тикилишини киритиш мумкин. Сурхон диёри каштачилигига хос бўлган сўзана, зардевор ва бошқа буюмлар ҳақида атрофлича сўз юритилиб, таърифлангунга қадар бу иш учун тайёрланадиган ип, ипни бўяш жараёнларига, табиий ранглар олиш усулларига тўхталиб ўтмоқ зарур. Зеро, кашта учун мато танлаш қанчалик муҳим бўлса, ип тайёрлаш ва уни бўяш жараёнлари ҳам ўшанча муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки кашта учун иплар каби, барча бўёқлар ҳам асосан қўлда, табиий усулда, Бойсун заминидаги рангтошлардан, ўсимлик ва гиёҳлардан, шунингдек бу саховатли заминда етиштириладиган турли ўсимликлар барги ва мевалар пўстлоқларидан тайёрланади. Қолаверса, ҳали-ҳанузгача каштачилар (ҳақиқий халқона усулда кашта тикувчилар) ип тайёрлаш ва бўяшда асрий анъаналарга, ўрнатилаган қатъий қоидаларга тўла амал қиладилар. Бир қарашда оддий, аммо аслида жуда мураккаб технологиялар ҳамон сақланиб келаётганлиги Сурхон каштачилиқ мактаби анъаналари бугунги кунда ҳам гуркираб яшаётганлигидан далолатдир



Санъатнинг ҳар бир йўналиши инсондан қалб гўзаллигини, нафисликни талаб қилади. Амалий безак санъатининг ҳам қадимий ва ўзига хос хусусиятига эга бўлган турларидан бири каштачиликдир. Республикамиз ҳудудида мавжуд каштачилик мактаблари жуда бой тарихий-ижтимоий, фалсафий-рамзий ҳамда амалий санъатнинг ранг-баранг кўриниши билан алоҳида ўрин тутди.

Каштачилик мактаблари ичида Нурота каштачилиги ўзининг композицион тузилиши ва ёрқин колорити билан эътиборга молик бўлиб келган. Нуротада ҳам маиший ҳаётда бевосита қўлланадиган турли шаклдаги каштачилик буюмлари: “сўзана”, “нимсўзана”, “зардевор”, “жойпўш”, “белбоғ”, “пешонабанд”, “шона-ҳалта” “ойна-ҳалта”, “қаламдон-қопи” каби кўпгина буюмлар кенг тарқалган. Буларнинг ҳар бири ишлатилишига кўра нақшлар билан безатилган. Нурота анъанавий каштачилигида шох, новда, барг сингарилар қўшимча унсурлар сифатида киритилса, асосий моҳиятни очиб бериш, айнан гулларга юклатилади. “Тули сафсар”, “гули ҳафранг”, “гули лола”, “чиннигул”, “муғчагул”, “хибча бахмал” каби гулли нақшлар ишлатилади.

Хунарманднинг айтишича, каштачиликда ҳар миллатнинг ўзига хос нақшлари мавжуд. Айнан ўзбек миллий каштачилигида ўсимликсимон, геометрик шакл ҳамда гул нақшлари кўп қўлланилади. Аввало, мато танланиб, керакли ўлчамда бичилади. Сўнгра нақшлар чизиқлиб, унга мос чоклар солинади. Сўзана ва либосларга туширилган бундай тасвирлар алоҳида маънога эга. Масалан, анор — фарзанд белгисини англатса, қалампир — ёмон кўзлардан асрагувчи тумор сифатида англашилади, бодом — ризқ-рўз, очилган гуллар — муҳаббат, шохчали гуллар мажмуаси — фаровон ҳаёт, кушлар эса бахт-омадни ифодалайди.

КАШТА ТИКИШДА РАНГЛАР ВА ГАЗЛАМАЛАР ТАНЛАШ

Ранг - костюмдаги энг ифодали воситалардан бири. У одамларнинг кайфиятига, аҳволига, ҳиссиётига қаттиқ таъсир қилади. Одамнинг рангни идрок этиши атроф-табиат шароитида табиий йўл билан таркиб топган бўлиб,

ҳар қандай индивидуал хусусиятлар мавжудлигига қарамай, рангни идрок этишда илмий асосланган умумий қонуният бор. Масалан, қизил ранг — Қуёш, олов, қон, ҳаёт рамзи. Бу ранг одатда қувонч, нафосат, яхшилик, илиқлик билан боғлиқ, лекин яна ташвишни, ҳаёт учун хавф - хатарни ҳам билдиради. Оқ ранг кўпинча янгилик, озодалик, ёшлик рамзи, лекин сокинликни, жонсизлик ва ҳатто баъзи халқларда мотамни ҳам билдиради. Қора ранг физика нуктаи назаридан — бўшлиқ, нур ва ранг йўқлиги; унинг анъанавий маъноси — ҳамма «тунлик», ёмон, инсонга душман нарсалар, ғам-гусса ва ўлим. Бошқа ранглар ҳам турли хил мазмунга эга, лекин бу анчагина шартли ва ҳар хил. Илгари вақтларда турли ижтимоий мавқедаги, маълум ишдаги одамлар кийимининг ранги, шунингдек материали, бичиғи қандай бўлишини ҳукмдорлар белгилаб берарди.



Кашта тикиш учун газлама билан ип буюмнинг нимага мўлжалланганига, безакларнинг характериға ва тикиш усулиға мувофиқ танланади. Ранг каштадўздан катта маҳорат ва дид талаб қилади. Каштадан фойдаланиладиган иплар рангининг ўзаро мувофилиги ҳам каштанинғ жозибадор чиқишиға сабаб бўлади. Каштадўз кашта тикмоқчи бўлган кийим шаклиға, матоси рангига қараб кашта нусхасини танлаши керак. Кашта иплари

пахта толасидан тўрт қаватли қилиб, турли рангларда тайёрланади, хира бўлади ва 50 метрли калава тарзида савдога чиқарилади.

Мулина-юқори сифатли пахта толасидан тайёрланади. 12 қатли, махсус ишлов бериб сифати оширилган, чидамли бўлади. Ўн ёки йигирма метрлик калава тарзида чиқарилади. Ипак иплар-табiiй ва кимёвий толалардан тайёрланади. Пишитиб-йигирилган турли размердаги оқ бўялган бўлиб, калава илинган (40г ли), ғалтак ва қоғоз патронларга ўралган (50, 100, 200м узунликда) бўлади. 13-18-номерли ипак иплар жун, зиғир поясидан, сунъий толалардан тайёрланган иплар, майин сим, зар ип, чармдан енсиз илиб тайёрланган тасмалар билан тикилади.

КАШТА ТИКИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Қўлда кашта тикишнинг икки тури мавжуд: биринчиси матонинг арқоқ ҳамда ўрим ипларини санаб кашта тикиш; иккинчиси эса матога нақш-гул, тасвир контурини чизиб, эркин кашта тикиш турлари. Арқоқ ва ўриш иплари кесиштириб тўқилган мато полотно, бўз шаклида тўқилган матога тикилади. Чунки бундай мато ишларини санаб тикиш қулай. Бундай кашта гуллари геометрик шакллар, узун-қисқа тўғри чизиклардан иборат. Ўзбекистонда санама каштанинг ироқи тури тарқалган. Эркин кашта эса ҳар қандай матога тикилаверади, танламайди, туширилган тасвир чизиклари асосида тикилади. Кашта тикишни бошлаганда нақшлар чети (контури) олдин тикиб чиқилиб, кейин ичи тўлдирилади. Кашта тикаётганда попоп машинасидан мураккаб кашталар ёқларини, гулларнинг ўзакларини, гул атрофларини тикишда фойдаланилади. Кашта тикилаётган буюм тизза устига эркин ташлаб қўйилиб тикилади. Йирик буюмлар (сўзана, такияпўш, гулкўрпа, чойшаб, палак ва бошқалар) композиция ва нақш чизилгач бир неча пахтага ажратилиб, каштадўзлик илингач, айтиб бирлаштириб тикилади. Бунда ҳар бир бўлак бошқа-бошқа чевар томонидан тикилиши мумкин, аммо ип-ранглар, услуб чизмада белгилаб олинади ва умумий ранглар гаммаси сақланган бўлади.

Ўзбек каштачилигида ироқи, илма, бўрма, босма, хамдўзи, чамак, чинда хаёд, баҳя чоклари кенг таралган. Турли жойлардаги бадий кашталарда чоклар


турлича тикилади. Чунончи, Тошкентда кўпроқ босма чоки, Шахрисабзда йўрма, кандахаёл, ироқи, Бухоро, Самаранд, Нуротада йўрма чоки билан тикилади.

Йўрма чоки-йўрмаки, илмоқли бигиз ёки игна билан матонинг ўнг томонида халқалар занжири, тескари томонида эса тўғри чизикчалар ҳосил қилиб тикилади. Бу чок машинада тикилади, машина чоки попоп номи билан машхур. Йўрмачоки билан кўпинча жияклар, безак буюмларининг хошиялари, кашта ичини тўлдириш, шунингдек, йирик кашталарнинг айрим қисмлари, гул ва барглари асосий шохга улайдиган банд ва бошқалар қадимдан шундай усулда тикилган. Йўрмачокдан Самаранд, Бухоро, Қашқадарё каштадўзлари кўп фойдаланадилар. Йўрмачок бир-бирининг ичидан чиқиб келадиган узлуксиз қатор халқалар занжири бўлиб, бу чокни чамбаракда ва ўзи томон юритиб қавиқ туширилади. Каштани чамбараксиз тикаётганда газлама тортилиб қолмаслиги, чок юмалоқ шаклда бўлишини кузатиб бориш керак. Агар кашта икки қават ип билан тикиладиган бўлса, ипни газламага пухталаш қабиги йўрма чокининг биринчи қобиғи бўлиши мумкин. Пухталангандан кейин ипни чапдан паст томондан ўнгга йўналтиради, игнани эса биринчи халқа ўртасидан ип газлама ўнгига чиққан нуқтасида газламага киритилади. Игна биринчи халқага нисбатан газламанинг тўрт - бешта ипига тенг ораликда пастрокдан, ип петляси игна тагида қоладиган қилиб чиқарилади. Кашта тўғри чизик бўйлаб ҳар бир қавиққа газламадан бир хил миқдорда ип санаб тикилади.


Йўрмадўзи услубида тикишда ип доимо буюмнинг остида туради, бигизга-бигиз илмоғига чап қўл билан илдириб турилади, ўнг қўл санчиб, уни тортиб қолиб чоклар занжирини ҳосил қилишда хизмат қилади. Йўрмачоки игна билан бажарилганда, унда иш фақат буюм остида бажарилади. Йўрмачокни синиқ чизик тарзида тикиш ҳам мумкин.

Бундай чокнинг тескари томонидан қавиқлари ва ўнги томонидан петлялари чокнинг ўрта чизигидан навбатма-навбат бир чапга бир ўнга жойлашган бўлади. Чамак (унарий) чоки- кашта тикиш чокларидан бири бўлиб, чапдан ўнгга қараб икки параллел чизик бўйлаб бажарилади. Ип ўтказилган игна ўнг


томондан санчилади, юқорига чапга томон қия қилиб чиқарилиб, пастки чизикқа параллел равишда тўғри қадалади ва пастга қия қилиб чиқарилади. Шу тарзда давом этаверади, бу чокни пастдан юқорига томон тиккан маъкул.



Чинда хаёл-дўрўя чоки, матога игна қадалиб бир меъёрида тикиб чиқилади. Тескари ўгириб яна тикиб чиқилади. Шу тариқа матонинг олди ва орқа томонида бир хилда гул ҳосил қилинади. Бу чок билан икки томони ҳам кўзга ташланадиган буюмлар, яни сочик, рўмол ва бошқаларни безашда ишлатилади. Ҳамдўзи чоки икки ёқлама текис тикиладиган бўлиб, ип тик ёки сал қияроқ қилиб тикилади. Хом ипак билан тикилганидан шу ном билан аталган. Дўппи гулларида белбоққа нозик геометрик нақшлар тикиш ва шу кабиларда бу чокдан кўп фойдаланилади. Фарғона водийсида, Самарандда кенг таралган).



Канда хаёл чокида ип тўшама тик ёки ёти бўлади. Бу чокнинг ики хили мавжуд. Бир хилида тўшама ип устидан чагиладиган чок қиялатиб устма-уст тушади, кашта тайёр бўлганда новдадан тўқилган саватга ўхшаб кўринади. Иккинчи хилида каштадўз биринчи қаторни олдинги кашта хили тарзида тикиб чиққач, иккинчи қаторни тикаётганда олдинги қатор остки қисмидан ўтказиб тикилади, шундай қилиб, чоклар тўшами ип устига диаганал йўналишдаги илон изи чизиклар ҳосил қилиб тушади.



Илма чоклари, одатда босма чоки билан тикилган кашталарнинг ҳошиялашда ишлатилади. Илма чоки Фарғона водийсида кўпроқ тарқалган. Илма чоки тикилиш усули игна билан тикиладиган йўрмачокига яқин, бунда юқоридан пастга томон тикилади, игна ёнма-ён икки қаторда санчилиши билан йўрмачокидан фарқланади. Игна то чап қаторга, то ўнг қаторга санчила боради. Аввал бир халқа ҳосил қилиб олингач, игна халқа ичига санчилиб, ип устидан

олинади, чап кўлнинг бош босиб турган ип санчилиб чиққан игна ортида қолдирилади.

Бу чок Чуст дўпписи безакларида кўп фойдаланилади. Шойи матоларга тикиладиган кичик кашталарда ҳам кўп қўлланилади. Ироқи чоки икки хил бўлиб, кашта бутун ва ярим хечлар тизмасидан ташкил топади.




КАШТАЧИЛИКДА ИШЛАТИЛАДИГАН НАҚШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЧИЗИШ


Каштачиликка ўрганишда нақш чизиш муҳим аҳамиятга эга. Нақш чизишни яхши билмасдан туриб, каштачиликда катта муваффақиятларга эришиш мумкин эмас. Ҳар бир халқ амалий санъат турларида ўзига хос тузилишга, кўринишга ва мазмунига эга бўлган нақшлар ишлатилади.

Шу қатори каштачиликда ишлатиладиган нақшлар ҳам ўзига хос характерга эга. Каштачиликни ўрганишга киришаётган ҳар бир киши нақш элементларини чиза олишни ўрганиши керак. Бу элементлар нақш ишларининг алифбоси ҳисобланади. Каштадўз усталар табиатдаги гул, барг, новда, ғунча, уш ва бошқаларнинг тузилишини, ўсиш қонун - қоидаларини, кўринишини

синчиклаб ўрганиб, улардан турли нақш композициялар ишлаш учун ҳар хил элементларни стиллаштириб олганлар. Масалан гулни стиллаштириб олар экан, унинг гўзаллигини қайси ҳолатдаги кўринишини тасвирлашни излаб топади. Ўсимликсимон нақшлар "Ислими гуллар" деб аталади. Ислими гуллар ўз навбатида, икки томонга уланадиган кўринишда бўлади.



Банд (новда) - нақшлардаги ўсимлик ва шохлари бир-бирига мустакамланади. Таноб - арабча чилвир-арон деган маънони билдиради. Мураккаб нақшлар композицияси асосини ташкил этувчи негизи, нақш шакл берувчи чизик таноб дейилади. Наққош нақш композициясини чизишдан олдин биринчи таноб тортиб кейин новдаларни чизади, сўнгра новдаларни йўналишига мослаб гулларни жойлаштириб чиқади. Нақш композициясини чизишда таноб биринчи даражали чизик бўлиб, унинг устидан ҳеч қачон гул, новда ёки барг босиб ўтмайди. Таноблар хилма-хил кўринишда бўлиши мумкин.



Барг-ўсимликсимон нақш элементи бўлиб, наққошлар томонидан табиатдаги ўсимлик баргининг стиллаштириб олинган тасвири. Барг нақш композицияда тўлдирувчи ва хуш берувчи элементдир. У тузилишига кўра оддий ва мураккаб турларга бўлинади. Оддий баргларга уч барг; бодом барг, тол барги ва бошқалар киради. Мураккаб баргларга эса кўп барг, шобарг ва бошқалар киради. Баргларнинг қуйидаги турлари бор; шобарг энг катта барг, қўш барг, кўп барг, чор барг (тўртта барг), хурмо барги, тол, анор, хашарча, мадоил, қўшбодом, қалампир, нок, самбит, буток, барг ва бошқа 50 дан ортиқ турлари мавжуд. Гул табиатдаги гулларнинг стиллаштириб олинган тасвири бўлиб, нақш композициясида тўлдирувчи элемент ҳисобланади. Гулларнинг ҳар хил турлари бўлиб, улар ўзига хос номланади. Масалан; лола гул, чинни гул, савсар, атир, гултожихўроз ва бошқалар. Тузилишига кўра гуллар оддий ва мураккаб гулларга бўлинади: мураккаб гулларга писта гул, кўпбаргли гул ва оддий гулларга лола, ойгул, нўхат гул ва бошқалар киради. Гуллар ҳар хил тузилишига эга бўлганлиги учун уларнинг ўзига хос исмлари бор.


Шукуфта-ўсимликсимон нақш элементи бўлиб, новдаларни бир-бири билан боғлаш ва юзаларни тўлдириш учун хизмат қилади.

Марғула - қўш чизиқли гажак, ўсимликсимон нақш элементи. Агар бир новданинг ичида икки марғула ҳосил бўлган бўлса, у қўш марғула деб юритилади. Агар новда билан марғула тасвирланган бўлса, марғулали новда

деб юритилади. Нақш композициясида марғула тўлдирувчи элемент ҳисобланади.

Бофта-таноб айланиб ўтиб ҳосил қилган шакл. Бофталар тўғри, эгри ҳамда аралаш чизиклардан ташкил топган бўлади.

Ўсимликсимон нақш элементларини ўрганиш маълум қонун - қоидалар асосида машқ қилишдан бошланади. Бунинг учун оддий қоғоз варағи, чизғич, қора қалам, ўчирғич ва бошқалар керак бўлади. Нақш элементларини чизиш алифбоси қуйидаги босичда амалга оширилади..



ЗАМОНАВИЙ КАШТАЧИЛИК ТУРЛАРИ

Ўзбек халининг каштага кўзи тушмаган фарзанди бўлмаса керак. Гоҳо деворда, гоҳо бувимиз ва онамизнинг сандиқлари ёйилган лаҳзаларда баъзан ҳайратланиб, баъзан эътиборсиз қўлимизга олганмиз.

Лекин у сўзанани, палакни ёки чойшабни, фарқига бормаймиз, Қўлда акс этган тасвирларга завқланиб қараб: шундай катта нарсани қўлда тикиб чиқиш машаққат-ку, дея эътироф этамиз. Каштадаги гул безаклари, орнаментлар: олма, анор, гилос, олча, бодом ва қалампир тасвирлари туширилган жимжимадор шакллар бизнинг ўзимиз англамаган ҳолда аёллар оламига етаклайди. Чет эл олимлари бизнинг миллий каштачилигимизни йиллар давомида ўрганишган ва бадий санъат дея етироф етишган. Нима учун ўзбек фарзанди бўла туриб, ўзимиз ушбу санъатининг кадрига етмаймиз. Бу намуналарнинг санъат асари эканлигини англолмаймиз. Момоларимиз айтадиларки, кашта асосан қизларни катта ҳаётга кузатиш, турмушга чиқаришга тайёрлаш воситаси бўлиб, у жуда катта тарбиявий аҳамият касб этади. Аввало қизларни меҳнатга, гўзал миллий қадрият ва урф одатига ошно этиб тарбиялашда ўз ифодасини топади. Кашталар тилини, сирини онгли равишда тушуниш учун бой, гўзал дунёсини англашга ва бу санъат намуналарини яратган нозик дид эгаларининг меҳнатини қадрлашга ўқувчиларни тайёрлаб борамиз. Халқ каштачилигини ўзига хос санъат, ҳунар сифатида ўрганиш ҳозирги замон талабларидан биридир.



Миллий каштачилик халқ амалий санъатининг энг қадимий турларидан бўлиб, бу ҳунар маълум тарихий даврларда кишиларнинг ўз уйи, турмушини чиройли қилиш истаги туфайли юзага келган. Ўша пайтларда ҳам аёллар ҳозиргидек гўзалликка интилувчи, ҳар бир рангнинг товланишидан бир кашфиёт яратувчи бўлишган. Улар уйларида ўтириб, озодалик ва бола тарбияси билан шуғулланишган. Бўш вақтларида эса, матога рангли иплар ёрдамида жило берувчи гуллар тикишган. Каштачилик санъати нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам шуҳрат қозонган.

КАШТАЧИЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ

Каштачилик ҳамма даври замонларда ҳам ижтимоий аҳамият касб этган. Ҳунарли хор бўлмас, деганларидек, қўлида ҳунари бўлган хотин-қизлар ўзига керакли бўлган нарсаларни сотиб олишга шу ҳунари туфайли орттирган маблағини ишлатавериши мумкин. Аёлларимиз ўнг келган майда-чуйда учун оила бошлиғи бўлган эркак кишини безовта қилишни кўпинча ўзларига эп кўришмайди. Шундай ҳам саноат корхоналари бўлмаган, иш ўринлари кам бўлган қишлоқларда оила тебратиш учун, асосан, эркак кишининг топган-тутгани қўл келади.

Пиру бадавлат момоларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган амалий безак турларининг энг қадимий ва кенг тарқалган тури каштачиликдир. Эътибор берган бўлсангиз ҳар бир қатим ипакка жон бахшида этиб, дил туйғуларини гўё бежирим гуллар жилосига улаб, кўз-кўз этаётган қиз-жувонларнинг нозик бармоқлари чиндан-да мўъжиза яратмоқда. Ҳа, халқнинг ҳаёти ва урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган санъат тури қўли гул чеварлар томонидан асрлар оша янада сайқалланиб келинмоқда.

XIX асрда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Нурота, Шаҳрисабз, Жиззах, Фарғона каби катта-катта каштачилик марказлари бўлган. Мазкур каштачилик мактабида либосларга тикилган кашталар алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, ушбу мактабларда ўзига хос услуб ва ранглар мутаносиблиги мавжуд. Либосларнинг энг ва олд қисми ҳамда этак қисмига тикилган нақшинкор

сержило нақшлар, занжирсимон чизикли кашталар ёки гул четига зеб берилган зарли ипак безаклар унга ўзгача кўрк бағишлайди.

Бухоро сўзаналари, Шаҳрисабз кашталари майда гул барглари билан, Бойсун каштачилиги қийиқ композициялари билан, Нурота каштачилиги эса ўйноқи нақшлари билан киши диққатини ўзига тортади. Самарқанд каштачилигида алоҳида аҳамият касб этувчи сўзаналар эса ҳар бир келинчакнинг сепини нурга тўлдириб турган. Ундаги табиий тасвир бўлган анор гули меҳр рамзи ҳисобланган бўлса, гезагидаги нақшинкор йўл чизиклари ҳаёт давомийлигини акс эттирган. Келинлар учун тикилган кашталарда гуллаётган табиат рамзини ифодалайдиган Самарқанд каштачилигида уни тикиш учун йигирилган пахта, жун иплар ҳамда шоҳи ипаклардан фойдаланилган. Гул тасвири кўриниши асосан қизил рангда бўлган. Бу ерда қўлланилган нақшлардан яна бири "Офтоба" бўлиб у халқа ичига жойлаштирилган. Офтоба ҳалоллик ва поклик рамзи сифатида улуғланган. Кейинчалик яшил ранг ўрнида ишлатилган қора ранг ҳам бежирим гулларни янада хушчиroy бўлишига хизмат қилган. Рангларнинг бундай алмашинуви XIX аср охирига келиб юз беради. Қизил, қора ва оқ рангларнинг ўзаро мувофиқлашуви Самарқанд сўзаналарининг хилма-хил кашталардан ажралиб турувчи ўзига хос хусусияти бўлиб қолган. Кейинчалик ушбу безакдор сўзаналар билан бирга, гулдор болипўшлар ҳам урфга кирган.

Халқимиз орасида "Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр", – деган мақол бор. Бўйи чўзилиб қолган сарвқомат қизларнинг бувилари, оналари ёнида туриб турфа хил сўзанаю ёстиклар тикиши шу уйга эзгулик келтиришидан дарак берган. Келинчакнинг сепини тўлдириб турувчи бундай болипўшларнинг гуллари қалампирнусха кўринишида ниҳоятда бежирим бўлган. Яна келинчакнинг уйидаги тахмонлар устида тахланиб турган турфа гулли ёстиклар ва унга меҳр билан зарли ипакда тикилган ялтироқ нақшлар уй бекасининг қанчалик дидили эканлигини билдирган. Самарқанд кашталари қадимий меросдан муайян жиҳатларини қабул қилиш билан бирга ўзининг хусусий бадиий йўналишини ҳам ҳосил қилган. Каштадўзлар асрлар давомида

миллий безакдорликка интилиб яшаган. Шу боис ҳам каштачилик санъати авлоддан-авлодга ўтиб янада сайқал топиб борган. Энг қувонарлиси, гулларни ифодалаб турган қатим ипакларнинг ранги йиллар ўтсада ўз кўринишини йўқотмай сақланиб турган. Чеварларнинг турфа кўринишдаги гулларга мос ранг танлаб, унинг четини айлана, учбурчак ёки тўртбурчак шаклда ингичка чизикли жило бериб тиккан кашталари уни янада бойитган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. С.Булатов “Ўзбек халқ амалий безак санъати” - Тошкент: Мехнат, 1991й.
2. М.Акромулжаева “Каштачилик” - Тошкент: Мехнат, 2002 й.
3. И. Ерёменко “Сехри игна китоби”
4. Р.И.Егорова, В.П.Монастирская “Бичиш – тикишни ўрганиш” - Тошкент: Ўқитувчи, 1991 й
5. Интернет сайтлари

ИЛОВАЛАР

